49 (495)
2005 йил 7 декабрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Конституция — демократия таянчи
▶ Қомусимиз ҳар онимизга дахлдор

3
▶ Йигит қалбида Ватан меҳри бўлсин!
▶ Жумабой оғанинг "Бўстон"и...

4
▶ Ўзбек ҳунармандлари дунёга машҳур
▶ "Донишманд Натан"нинг ўгити...

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни



Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси

Тошкент шаҳри

Обуна—2006
"MAHALLA" МУШТАРИЙЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Бугунги кунда маҳалла тизимининг жамиятдаги роли ва аҳамияти ошиб бораётгани сайин бу соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришга эҳтиёж туғилмоқда. Шу боис бўлса керак, ушбу тизим нашри бўлган "Mahalla" газетасининг муштарийлари сони ҳам йил сайин ортиб боряпти.

Пойтахтимиз маҳаллаларида ҳам айни пайтда 2006 йил учун "Mahalla"га обуна жараёни қизғин давом этаяпти. "Маҳалла" жамғармасининг шаҳар бўлими, туманлардаги бўлинмалари, фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, ходимлари газета обунасини ташкил этишда тарғиботчи бўлмоқдалар. Жумладан, Яккасарой тумани Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси, "Дўстлик" ордени соҳиби Рўзибой Турсуналиев туман бўйича ҳар бир маҳаллада 4 тадан обуначиси борлигини эътироф этди.

Шунингдек, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида ҳам ана шундай ҳолни кузатиш мумкин. Ҳозирда туманда 52 та маҳалла мавжуд бўлса, газетага обуна сони 208 тани ташкил этмоқда. Жамғарманинг туман бўлинмаси раиси Жамолиддин Шоҳакимовнинг таъкидлашича, йил якунига қадар бу кўрсаткич миқдори яна ортади.

Шунингдек, пойтахтимизнинг Сергели тумани фаоллари ҳар йилгидек, "Mahalla"ни севиб ўқишади.

— Бугунгача ҳар бир маҳаллада 4-5 тадан обуначи бор, — дейди жамғарманинг туман бўлинмаси раиси Ўзбекистон Қаҳрамони Холҳўжа ака Умаров.

Диана ҲАФИЗОВА,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси.

АСКАР МАҲАЛЛАГА ҚАЙТГАН КУН...

Шу кундан эътиборан унинг жамиятдаги ўрни янада ошади, унга келажакнинг барча эшиклари очилади

Бугун Ўзбекистонда муддатли ҳарбий хизматдан қайтган аскарнинг маҳалласи, хонадони ҳақиқий байрам тусини олади. Шу каби бугун юртимизда ҳарбий хизматга жўнатиш ҳам қувончли ҳолат ҳисобланади. Ҳарбий хизматга кузатув ва жўнатиш жараёнида турли ташкилотлар фаол бўлади, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла", "Нуроний" хайрия жамғармалари, ота-оналар иштирокида бўлажак аскарларга совға-саломлар улашилади. Шунингдек, бугунги аскар яқин ўтмишдагидек фақат ҳарбий бошлиқлари олдидагина эмас, балки ота-оналар, жамоатчилик вакиллари гувоҳлигида қасамёд қиладилар.

Бу ҳолат муддатли ҳарбий хизматга шайланган ёшлар қалбидаги юрт, халқ ҳимояси учун хизмат қиламан, деган туйғуни янада мустаҳкамлайди, ўзини шу мустақил Ватан тақдирига дахлдор эканлигини теранроқ ҳис қилишга даъват этади.

Бугун шу мустақил юрт ҳимоясида бўлиб қайтган эр йигит ҳам, унинг оила аъзолари ҳам ўзларини том маънода бахтиёр деб ҳисоблайди. Нега? Бу гапни бежизга ёки гап келарга айтмаяпмиз. Аввало юртдошларимиз ўз Ватани, ўз халқи осойишталиги учун қалқон бўлишни, шунга муносиб бўлишни катта бахт, деб ҳисоблайди. Аммо бу — бахтнинг ҳаммаси эмас... Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, заҳирага бўшаб қайтган ҳар бир ўғлон бизда, айнан мустақил Ўзбекистонда муносиб қадрланади. Бу қадрланиш аввало, бу йигитнинг бундан кейинги ҳаётида, фаолиятида асқотувчи имкониятларнинг кенгайишида кўринади.

Бу имкониятларнинг энг биринчиси — унинг ҳарбий хизмат орқали ҳам жисмонан, ҳам маънавий камолотга етишидир. Хусусан, истиқлол ислоҳотлари туфайли юзага келган ҳарбийликдаги энг замонавий машқ мосламалар, тактик, техник воситалар орқали ўтадиган машғулотлар, дала машғулотлари балоғат ёшидагиларни янада кучли, соғлом қилиб, уларнинг нафақат ҳарбий хизматга, балки барча турдаги жисмоний фаолиятга қодирлигини оширса, ундаги сиёсий ижтимоий ва касбий билимга қаратилган машғулотлар унинг сиёсий камолот даражасини янада оширади, иродасини мустаҳкамлайди. Қарабсизки, кечагина аскарликка кузатилган ёш йигит орадан кўп ўтмай — бор-йўғи муддатли ҳарбий хизматни ўташга ажратилган вақтда шу даражада ўзгариб уйига қайтмоқдаки, унинг жамиятга бўлган қарашларининг теранлашганлиги, хусусан, унда ўз кучига, ақлига, қобилиятига ишончи, Ватани, халқи, оиласи тақдири учун масъулият ҳиссининг ошганлиги, воқеликка муносабатда одиллик тамойилларининг устуворлиги кабилар яққол сезилиб туради. Бир сўз билан айтганда, ҳарбий хизмат ҳар бир ёш йигитнинг камолотга етиш жараёни бўлиб кўринади. Аслида ҳам шундай. Ота-она, яқин қариндошу маҳалла-кўй, умуман, жамиятда эндигина бўй чўзган, ҳали кўп жиҳатдан ғўр фарзандининг ҳарбийликдан катта ўзгаришлар билан — жамият равнақига ҳисса қўша оладиган баркамол инсон бўлиб қайтганидан мамнун.

Давоми 3-саҳифада

Сирдарё вилояти

«ТОЯН» ЭЛЕКТРОДЛАРИ

Гулистондаги «ТоЯн» Ўзбекистон—Россия қўшма корхонаси бир кеча-кундузда икки тоннагача электрод ишлаб чиқариш қувватига эга.

Унга хомашёни Россиянинг Томск шаҳридаги «Анит» масъулияти чекланган жамият етказиб бераётган бўлса, «Янгиер йўл индустрия» корхонаси жой ва дастгоҳлар, ишчи кучи билан таъминлади.

Қўшма корхона ўз фаолиятини бошлаганидан буён ички бозорга 30 тонна электрод чиқарди. Яқинда қўшни Қозоғистон Республикасига 10 тонна электрод экспорт қилинди.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

Қашқадарё вилояти

"ЧИЯЛ"ДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Чироқчи туманининг Чиял қишлоғи ҳудудида Чироқчи иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биноси қурилиб фойдаланишга топширилди.

900 ўринга эга бўлган бу замонавий ўқув масканини қуриш ва жиҳозлаш ишларига 2,9 миллиард сўм маблағ сарфланди. Муҳташам иншоотни "Ҳисоракгидроқурилиш" очиқ акционерлик жамияти қурувчилари бунёд этишди.

Айни вақтда бу ерда ўқувчилар молия, банк иши, информацион ҳамда коммуникацион технология, биржа ва суғурта иши, статистика, бухгалтер-аудитор йўналишлари бўйича билим олишмоқда.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАР ЁРДАМИ

Қўрғонтепа шаҳридаги Собир Раҳимов номли маҳалланинг обод ва кўркам бўлишида шу маҳалла ҳудудида жойлашган пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти жамоасининг ёрдами катта.

Корхонанинг маданият саройи тўлалигича маҳалла фуқаролар йиғини ихтиёрига топширилди. Бу ерда йиғин раҳбарлари учун алоҳида хоналар ажратилган. Спорт залида эса турли тўгараклар ишлаб турибди.

Бундан ташқари корхона маъмурияти ёлғиз қолган ва кам даромадли оилаларга ҳам яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Байрамлар, улуғ арафа кунларида маҳалла фахрийлари ва ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш одат тусига кирган.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Жиззах вилояти

Бугунги кунда аҳолининг экологик тоза, хуштаъм ва сифатли маҳсулотларга бўлган талаби ортиб бораётир. Айниқса, шаҳарлик истеъмолчиларнинг бевосита даланинг ўзидан келтирилган сархил ноз-неъматларга эҳтиёжи катта.

ЧЎЛДА — ПОЙТАХТЛИКЛАР ТОМОРҚАСИ

Эндиликда шаҳарликлар бу маҳсулотларни фақат сотиб олишга эмас, балки ўзлари етиштириш имкониятига ҳам эга бўлмоқда. Шу мақсадда Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани вакилларига деҳқончилик қилиш учун минг гектардан зиёд ер ажратиладиган бўлди. Ўзаро келишувга мувофиқ, шаҳарликлар Жиззах ва Зарбдор туманлари ҳудудидаги ушбу майдонларда ўз эҳтиёжлари учун сабзавот, полиз, мева ва бошқа маҳсулотлар етиштиради.

Айни пайтда икки томонлама шартнома ва тегишли ҳужжатлар тайёрланиб, ер участкалари белгиланмоқда.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

2005 йил 11 декабрь якшанба дам олиш кунини 2005 йил 9 декабрь жумага кўчириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2005 йил 11 декабрь якшанба дам олиш кунини 2005 йил 9 декабрь жумага кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 5 декабрь.

Самарқанд вилояти

ФЕРМЕРЛИК ОСОН ЭМАС...

уни фақат эплаган деҳқонгина қила олади

Вилоятда бундан атиги уч йил аввал фермер хўжаликлари сони 8345 нафарни ташкил этарди. Бугунги кунда эса бундай хўжаликлар сони 10 мингдан ошиб кетди. Ва улар эгалик қилаётган ер майдони 254 минг 254 минг 104 гектарни ташкил этади.

Пахтачи туманидаги "Сарбозор", Нарпай туманидаги "Пахтакор", Пастдарғом туманидаги "Тошқин" ва Каттақўрғон туманидаги Жума Ҳайитов номли фермер хўжаликлари сўнгги йилларда ғалладан 50-80 центнер, пахтадан эса 33-60 центнердан мўл-ҳосил олишяпти.

Яна бир мисол, жорий йилда 6189 нафар фермер хўжаликлари пахта етиштириш билан шуғулланишди ва 160 минг тоннага яқин ҳосил олишди. Бу вилоят бўйича тайёрланган пахта ҳосилининг 70 фоизи демакдир. Ўтган йили вилоятда 43 та ширкат хўжалиги тугатилиб, улар негизида 762 та фермер хўжалиги ташкил этилганди.

Муҳим томони шундаки, фермерлик ҳаракатининг дастлабки йилларида қишлоқ мулкдори кўпроқ шахсий харажатлар ташвишида юрган бўлса, бугунги кун фермерлари асосий даромадни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш пайида бўлишяпти.

Афсуски, беш қўл баробар эмас экан. Фермерликка эришгунча қоп-қоп ваъдаларни бериб, ниятига етгач, ўз мажбуриятларига қўл силтаётган, шартнома интизомини бузаётган ва ҳатто фаолияти ҳақида тегишли идораларга маълумот беришни эплолмаётган ер-мулк эгалари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бундай ҳолатлар бўйича вилоят хўжалик судида жорий йилнинг ўзида 1811 тадан зиёд иш кўрилган. Натижада фермерликка нолойиқ кимсалардан ер қонун йўли билан олиб қўйилган. Масалан, Пайариқ туманидаги "Насилчи" фермер хўжалиги 2001 йил ташкил топган эди. Унга 38,9 гектар ер майдони ажратилиб, туман ҳокимлиги билан фермер хўжалиги ўртасида ерни ижарага бериш бўйича шартнома тузилган. Аммо фермер ерга 2001-2003 йиллар давомида қишлоқ хўжалик экинларининг бирор турини ҳам экмаган. Давлатга гўшт, сут ва ҳосил топшириш шартнома режасини бажармаган. 2004 йилда эса фермер 4 гектар ерга чигит экиши ва ундан 9,4 тонна ҳосил топшириши лозим эди. Аммо режа 20,2 фоизга бажарилган, холос.

Яна айнан шу тумандан "Аврангзеб-В" фермер хўжалиги 2003 йилда ташкил этилиб, унинг ихтиёрига 36,5 гектар ер берилган. Бироқ хўжалик аъзолари ишни эплолмаганликлари боис туман ҳокимига ерни қайтариб бериш ҳақида ариза ёзган. Аммо айбни ўзидан қидирмаган хўжалик раиси "Мен ушбу аризани туман ҳокими тазйиқи остида ёзганман" дея судга даъво аризаси киритган. Текиширишлар натижасида эса ҳар иккала фермернинг ҳам соҳага "адашиб" кириб қолганликлари маълум бўлди. Вилоят хўжалик судининг қарори ва фермер хўжалиги раисларининг ушбу суд қароридан норози бўлиб, Олий хўжалик судига ёзган кассация шикоятидан сўнг аниқланган далиллар бўйича улардан ер майдони олиниб, туман ҳокимлигига қайтарилди.

Хуллас, фермерлик осон иш эмас. Уни ер билан тиллаша оладиган ҳақиқий деҳқонгина эплай олади.

Шу ўринда мулоҳаза: ерни бу "фермер"ларга беришда нима ҳисобга олинган эди, нега уларнинг имкониятлари тўғри баҳоланмаган эди?

Муҳаббат РАВШАНОВА,
журналист.

— Яна нима дейди?
— Неварангиз ҳарбийдан янада кўримли бўлиб қайтибди, — дейди.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.Р» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА 2006 йил УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.
2006 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Россия Федерациясининг Пермь ўлкаси прокуратураси Чусовой шаҳридаги чўмилиш ҳавзаларидан бирида содир бўлган фожиа юзасидан жиноий иш бошлади. Қидирув-суриштирув ишлари мамлакат бош прокуратураси томонидан назорат қилинмоқда.

Якшанба куни «Дельфин» чўмилиш ҳавзаси томининг ўпирилиб тушиши оқибатида 14 киши қурбон бўлган, уларнинг аксарияти болалар ва аёллар эди.

x x x

Ҳиндистоннинг жанубий штатларида кучли тошқин кузатилмоқда. Табиий офат туфайли Ченнай шаҳрида 100 мингдан ортиқ аҳоли хавфсиз ҳудудга кўчирилди. Улар қўшни штатлардаги вақтинчалик лагерларга жойлаштирилмоқда.

РАТА-ТАСС хабарларига қараганда, дарё тошиши натижасида шаҳарнинг қарийб учдан икки қисми сув остида қолган. Марказий касалхона ва маҳаллий аэропортни ҳам сув босмоқда. Аҳоли эса озиқ-овқат ва тоза ичимлик суви танқислигидан азият чекаётир. Маълумотларга кўра, мамлакат жанубида бу каби тошқин яқин 25 йил ичида кузатилмаган. Соҳа мутахассислари шу кунларда кучли ёмғир ҳам ёғишини айтмоқда.

x x x

Мали пойтахти Бамако шаҳрида Франция-Африка саммити ўтказилди. Унда қитъада ноқонуний муҳожирлик ва ўзаро можароларга барҳам бериш масалалари муҳокама қилинди.

Айни пайтда Африка аҳолисининг 60 фоизини 25 ёшгача бўлган ўсмирлар ташкил қилади. Анжуманда ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг ноқонуний муҳожир сифатида ривожланган мамлакатларга кетишининг ҳамда ўсмирлар орасида турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш муаммолари ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

x x x

Никарагуада Марказий Америка минтақасидаги энергетик инқироз ва нефть нархи ошиши билан боғлиқ муаммоларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда муаммога барҳам беришга қаратилган қўшма дастур қабул қилинди. Дастурда минтақада энергетик инқирознинг олдини олиш мақсадида янги нефтни қайта ишлаш мажмуини барпо этиш кўзда тутилган.

ЎзА

Конституция — Истиқлолли юртнинг истиқболини ёритгувчи машъала

ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Дунёда давлат юритишнинг турли кўринишлари мавжуд, улар орасида конституцион давлат бошқаруви энг оқил ва одил бошқарув кўриниши саналади.

Конституция ҳар қандай давлатнинг сиёсий, ҳуқуқий ҳаёти ва фаолиятидаги бирламчи ҳужжат, асосий Қонун. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамиятимизнинг ривожланиш шартлари, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг шахс эркинлиги, унинг жамиятда яшаш тартиби, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни, бурч ва ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилган.

Баъзан Конституцияни ўрганиш, ҳуқуқий саводхон бўлиш соҳа мутахассислари, ҳуқуқшунослар учунгина зарурат, деган мутлақо нотўғри тушунчага дуч келамиз. Ваҳоланки, Конституцияни ҳар биримиз касбу коримиз, жинсимиз, миллатимиз, ҳатто ёшимиздан қатъий назар билишимиз шарт. Бу — энг аввало, ўз манфаатларимиз учун, яъни ўз ҳаётимизни тўғри ташкил этиш учун зарур. Чунки Ўзбекистон Конституциясининг олтита бўлими, 26 та боби, 128 та моддасида мавжуд ҳар бир жумла юртимиз фуқаросининг туғилгандан токи умрининг охиригача бўлган даврда кечадиган воқеаларга, ҳолатларга, фаолиятларга дахлдордир. Конституция ҳар биримизнинг ҳаётимиз асосидир, дея таъкидлаш ўринли бўлади. Шундай экан, биз Қомусимизни саналар, байрамлар муносабати билангина эмас, балки ҳар кунги фаолиятимиз, турмушимиз давомида ўзлаштириб боришимиз ва ёшларимизни ҳам шунга даъват этишимиз мақсадга мувофиқдир. Давр билан ҳамнафас яшашга интилувчи шахс учун бу жуда муҳим.

ИНСОНПАРВАРЛИК ТИМСОЛИ

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга эришишда Конституция ва унга мос равишда қабул қилинган қонунлар жуда катта ўрин тутади.

Ҳуқуқий давлат бу унда Конституциявий тамойилларнинг қарор топишидир. Мазкур тамойилларнинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

— асосий ҳуқуқларнинг кафолатланиши;
— Конституция ва қонуннинг устунлиги;
— ҳокимиятнинг бўлиниши;
— давлат ва шахснинг ўзаро жавобгарлиги, яъни фуқаро ва давлатнинг ҳуқуқлар ҳамда бурчлар борасида тенглиги;
— судьяларнинг мустақиллиги;
— фуқаролар ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилиниши;
— қонунлар ва бошқа ҳужжатларининг Конституцияга мос бўлиши;
— конституциявий назорат.

Конституция ҳақида, унинг миллий давлатчилигимизни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги аҳамияти тўғрисида аниқ бир фикрга эга бўлиш учун уни тавсифловчи жиҳатларига эътибор қаратиш лозим бўлади. Конституциянинг қоидалари барчамизнинг қонунларга бирдек итоат этишимизни таъминлайди, қонунчиликни ривожлантиришнинг аниқ йўналишларини равшанлаштиради. Бу эса, ўз навбатида сиёсий-иқтисодий вазиятга мос бўлган, тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилишга имкон беради. Асосий қонун нафақат ҳуқуқий йўллар билан, балки кўп фикрлилик ва муросага келиш орқали жамиятмиз барқарорлигини таъминлайди, жамият аъзоларини мақсад сари бирлаштиради. Ва ниҳоят, энг асосийси, Ўзбекистон Конституцияси инсонпарвар Конституциядир, унда энг олий қадрият сифатида асосий эътибор инсон манфаатларига қаратилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Конституциянинг асосий тамойилидир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим халқаро-ҳуқуқий қоидаларни мустаҳкамлаган:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш — давлатнинг мажбурияти;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устунлиги;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқли эканлиги, яъни табиий ҳуқуқ ғояси ва назариясининг эътироф этилиши;

тўртинчидан, ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари, эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши;

олтинчидан, фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;

еттинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурлиги;

Давлатимизнинг Асосий қонуни бизга ўзимизни шу Ватаннинг ўғил-қизлари деб ҳис этиш, қувонч ва ташвишларига шерик бўлиш, унинг ўтмиши ва ҳозирги куни билан фахрланиш имкониятини беради ҳамда унинг буюк истиқболига ишонч уйғотади.

Гиёсиддин НАЖИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта эксперти.



Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси

СУРАТДА: *Хоразм вилоятидаги Урганч шаҳар 2-сон катталар поликлиникасининг акушер-генекологи Муборак Худойберганова маҳалла хотин-қизлари билан суҳбат ўтказаяпти.*

Қадам ОТАЕВ олган суратлар.

ДЕМОКРАТИЯ ТАЯНЧИ

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги таркибида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ўз Конституциясини қабул қилди. Ўзбекистондан кейин Қозоғистон (1995 йил 30 август), Қирғизистон (1993 йил 5 май) Россия Федерацияси (1993 йил 12 декабрь), Беларусь Республикаси (1994 йил 15 март) Тожикистон (1994 йил ноябрь) ва бошқалар ўз конституцияларини қабул қилишди.

Янги Конституциянинг дунёга келишига иккита омил сабаб бўлди. Биринчиси, Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилинганлиги бўлса, иккинчиси, жамиятнинг бозор муносабатлари томон тутган йўлидир. Бозор муносабатлари қонунларига таянган ҳолда республика ва халқнинг бутун бор имкониятларини ишга солиб, замонавий маданиятли-маърифатли мамлакатлар сафидан ўз муносиб ўрнига эришиши кўзда тутилди.

Шундай қилиб, Конституция демократик ҳуқуқий давлатни муваффақиятли бунёд этиш учун ҳуқуқий пойдевор яратди ва у давлатнинг муайян дастури мавжудлиги, унинг аниқ белгиланган йўлдан боришга тайёр эканлиги ва бунга қатъий қарор берганлиги ҳамда ҳаётий йўналишлари пухта ҳисоб-китоб қилиб чиқилганлигидан гувоҳлик беради.

Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш конституциявий нормалар ва қоидаларни тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қиларди. Илгариги Конституция янги муносабатлар ривожига ёрдам беролмас эди. Устига-устак, у ижобий жараёнларга тўсқинлик қилаётганди. Конституцияга ҳадеб киритилаётган ўзгартиришлар эса эскириб адо бўлган кийимга солинган ямоқни эслатарди. Бозор иқтисодига ўтиш кишиларнинг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини амалга ошириш учун кўмаклашадиган янги юридик нормалар бўлишини талаб қилди. Вужудга келаётган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг қонуний манфаатларини Конституцияга биноан муҳофаза қилиш, фуқароларга демократик жараёнларда иштирок этишлари учун баравар ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш, инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга, энг аввало Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига таяниб иш кўриш заруриятини юзага келди.

Республика ўз мустақиллигини қўлга киритгач, уни яратилган янги мукаммал Конституция асосида мустаҳкамлаб қўйди. Конституцияда янги давлатнинг табиати, унинг ички ва ташқи сиёсати тамойиллари, инсон ҳуқуқларига, давлат суверентлигига, демократиянинг ва ижтимоий адолатнинг олий мақсадларига содиқлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Ҳаким АЗИМОВ,
Тошкент Давлат Юридик институти ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди.

Фарғона вилояти

"ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК" ОЙЛИГИ

Вилоят ҳокимлиги ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими Конституция куни умумхалқ байрамини кенг нишонлашни кўнгилдагидек ташкил қилиш мақсадида "Конституциявий ҳуқуқ ва бурчларимиз" мавзусида "Ҳуқуқий саводхонлик" ойлигини ўтказиш бўйича режа-тадбирлар ишлаб чиққан эди.

Айни кунларда ана шу режа-тадбирлар ижроси бўйича маҳаллаларда, ўқув-тарбия муассасалари, корхона ва ташкилотларда турли маънавий-маърифий тадбирлдар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Марғилон шаҳрининг Ғалатой маҳалласи фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Шаҳар миқёсида ўтказилган бу тадбирда қатнашган вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлудахон Хўжаева Конституция қабул қилинган куннинг 13 йиллиги муносабати билан маҳалла раислари, маслаҳатчилар ва фаоллар олдида турган вазифалар ҳақида сўзлади. Шаҳар прокурорининг ўринбосари Неъматжон Абдуллаев "Конституция — ҳуқуқимиз асоси", шаҳар ФҲДЁ бўлинмаси мудираси Тожихон Йўлдошева "Оила — жамиятнинг асосий бўғини" деган мавзуларда маъруза қилдилар.

Шундай тадбир Фарғона шаҳридаги Совурбулоқ маҳалласи фуқаролар йиғинида ҳам бўлиб ўтди. Унда қатнашган ҳуқуқшунослар фуқаролар томонидан берилган кўплаб саволларга жавоб бердилар.

Вилоятдаги мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув муассасаларида "Конституция — бош қонун", "Конституция сабоқлари", "Сиз Конституцияни биласизми?" мавзуларида баҳс-мунозара ва мулоқотлар, тарбиявий соатлари ўтказилди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли спорт мусобақалари ташкил қилинди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ – ИНСОН

Эркин фуқаролик жамиятида энг олий қадрият инсондир. Инсонни улуғлаш, унинг қадр-қиммати, ҳуқуқларини таъминлаш Конституциямизнинг асосий ғояси ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун имкон қадар мукаммал қонунлар ишлаб чиқиш керак. Худди шу талаблардан келиб чиқиб, 2002 йил 27 январдаги умумхалқ референдумида икки палатали парламентни шакллантириш масаласи демократик асосда ҳал қилинди ва Олий Мажлис юқори палата — Сенат ҳамда қуйи палата — Қонунчилик палатасидан иборат ҳолда шакллантирилди. Бу ислоҳотдан кўзланган мақсад мукаммал қонунлар ишлаб чиқиш, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим тармоқларини имкон қадар адолатли тартибга солишдан иборат. Яъни бозор иқтисодиёти шароитида янги ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгининг ўсиши қонунчиликнинг янада такомиллашувини талаб қилади.

Фуқаролик жамиятида аввало ҳуқуқ, кейин давлат туради, яъни давлат фуқаролар муносабатларига имкон қадар кам аралашади, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари умумэътироф этган нормалар асосида Конституциямизда тўлалигича акс этган ва ўша нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан, демократик қадриятларни таъминлаш бўйича қонунчилигимизда ҳам чуқур ислоҳотлар ўтказилди.

Конституциямизнинг 24 моддасида: "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади", дейилаган. Ҳозир Конституцияда мустаҳкамланган ва кафолатланган фуқароларнинг яшаш ҳуқуқи жорий қонунлар ва давлат органларининг ташкилий фаолияти орқали таъминланади. Бу борадаги энг муҳим ўзгариш, албатта, 2005 йил 1 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармонидир. Шунинг ўзи ҳам Ўзбекистонда демократик тамойилларни олий қадрият сифатида қаралишининг ёрқин далили бўла олади.

Қисқа қилиб айтганда, Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қандай қилиб қуриш йўлларини очиб бермоқда.

Алишер ИСМОИЛОВ,
Тошкент Давлат юридик институти талабаси

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ ТАМОЙИЛЛАРИ – КОНСТИТУЦИЯ БЕРГАН ҲУҚУҚ

Маълумки, Турон заминимизда жаҳон урушидан кейинги йилларда жаҳон давлатчилиги тажрибаларига мувофиқ тарзда қатор Конституциялар ишлаб чиқилган эди.

Туркистон АССРнинг 1918-1920, Хоразм ва Бухоро халқ Республикаларининг 1920-1921 йилларда, шунингдек, Ўзбекистон ССРнинг 1927, 1937, 1978 йилларда қабул қилинган конституциялари шаклан собиқ шўролар давридаги Ўзбекистон Республикасининг асосий қонунлари эди. Лекин улар ўз мазмун ва моҳиятига кўра бир давлатнинг асосидек кўринсада, амалда ҳақиқий кучга эга бўлмаган нусхалари бўлиб қолаверди.

Ўзбекистоннинг янги Конституциясини яратиш ғояси Мустақиллик Деклорациясининг қабул қилиниши билан бевосита боғлиқдир. Мазкур Деклорация қабул қилинган Олий Кенгашнинг сессиясида бу ҳужжатдаги муҳим тамойиллар асосида давлатнинг янги конституцияси яратилиши лозим, деган хулосага келинди. Президент Ислом Каримов тавсиясига мувофиқ кўплаб давлатларнинг конституциялари чуқур ўрганилди, қиёсий таҳлил этилди.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг бўлажак асосий Қонуни — Конституциясини ишлаб чиқишида ўзбек халқи аждодларининг давлатчиликни мустаҳкамлаш йўлидаги ғоя ва тамойилларидан ҳам кенг қамровда фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси пухта ишлангандан сўнг конституциявий комиссия қарори билан икки марта умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Умумхалқ муҳокамаси давомида жами 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Уларда лойиҳани ихчам, лўнда, чуқур маъноли ва барчага тушунарлилигига ёрдам берувчи мулоҳазалар билдирилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи марта халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан эътироф этилган тамойиллари ва меъёрларига, умуминсоний қадриятларнинг устиворлигига асосланган реал, туб маънодаги демократик Конституция яратилди ва кучга киритилди.

Бунга йўл берган асосий омил юрт мустақиллиги бўлди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳуқуқий ва сиёсий тафаккурнинг энг юксак ютуқларини, ҳозирги замон конституциявийлик илмини ўзида мужассам этгани, ўзбек халқи маданияти ва миллий анъаналарининг чуқур илдизларига суянганлиги бош Қомусимизнинг ўзига хос муҳим хусусиятларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмунан янги принципиал сиёсий ҳужжат эканлиги яна шу билан характерланадики, унда Конституциянинг ижтимоий-сиёсий хусусияти, уни ривожлантиришнинг ғоялари, Республика ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилган. Ушбу Конституцияда халқ азалдан орзу қилган, ўз тақдирини ўзи белгилаш қоидаси мукаммал тарзда ўрин олган. Шу боис Конституция халқ ҳокимияти принципларига асосланади ва уни мустаҳкамлайди. "Халқ ҳокимияти" деган ибора бутун ҳокимият амалда ва юридик жиҳатдан халқники эканлигини англатади. Халқ ҳокимияти ўз вазифларини ҳам бевосита, ҳам ўзи сайлаган давлат органлари орқали амалга оширади. Конституциянинг 7-моддасига мувофиқ халқ — давлат ҳокимиятининг бир манбаидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимиз, алоҳида қайд этиб ўтганидек, "Жамиятимиз ривожланиши юксак босқичларга кўтарилгани сари давлатнинг кўпгина вазифалари, шу жумладан, назорат вазифаси ҳам, унинг роли ва аҳамияти ҳам тобора камайиб, у ўз ўрнини жамоат ва нодавлат ташкилотларига, фуқаролар уюшмалари ва идораларига бериши, бу жараён тўхтовсиз кучайиб бориши зарур... Ўзини ўзи бошқаришнинг халқимизга хос ноёб усули бўлган маҳалла жамоат назоратини ташкил этиш эса ана шундай салоҳият ва имкониятлар сарасидир".

Турғун ҳожи ТОШПЎЛАТОВ,
Жуманазар ҲАСАНОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент.

Навоий вилояти

ОҚСОҚОЛ КУЙИНЧАК БЎЛСА...

Маҳалла обод бўлади



Алишер Навоий номли маҳалла Кармана туманидагина эмас, балки вилоята ҳам энг намунали маҳаллалар қаторида эътироф этилади.

Маҳалланинг шу даражага етишишида маҳалла раиси Очил ака Мамановнинг алоҳида ташаббуси, маҳалла аҳлини ўз ортидан эргаштира олиш қобилияти асқотмоқда.

— Маҳалламизда 648 та оила бўлиб, 2500дан ортиқ аҳоли яшайди, — дейди Очил ака. — Ҳудуд марказида гузар ишлаб турибди. Ҳашар асосида маҳалламиз идораси биносини таъмирлаб, ишга туширдик. Бундан ташқари ишбилармон ва тадбиркорларимиз кекса, ногирон ва боқувчисини йўқотган кишиларга яқиндан ёрдам бериб келишяпти. Масалан, "Шамс" фирмаси раҳбари Шавқиддин Жамолов бундай хайрли ишларда фаол.

Бундан ташқари ишсиз хотин-қизларни иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Шу йилнинг ўзида 16 нафар аёлларни туманимизда ташкил этилган ипакни қайта ишлаш корхонасига ишга жойлаштирдик.

Маҳалламиз ҳудудидаги бўш ётган ерларга ҳозиргача 5 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқаздик..

Албатта, маҳалланинг ободлиги кўп жиҳатдан маҳалла раисига ҳам боғлиқ. У куюнчак, ташкилотчи ва ишбилармон бўлсагина бундай маҳаллалар гуллаб-яшнайди, элга танилади.

Менглибой МУРОДОВ,
"Mahalla" мухбири.

Сурхондарё вилояти

КЕНАГАСДА ИБРАТЛИ ИШЛАР КЎЛАМИ КЕНГ

Кенагаслик, "Кенагас уруғи" атамалари қайси маънодадир халқ оғзаки ижоди намуналарини ёдга солади. Денов туманидаги Кенагас қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган аҳоли аждодлари ҳаёти ҳам аслида узоқ ўтмишга дахлдор.

Йиғин раиси Тиловмурод Мирзаев 14 минг 398 нафар одамларнинг қувончу ташвиши билан қайғуриб яшайди. 5 та маҳалла 11 та қишлоқ йиғин раиси бошқарувида. Маҳалла оқсоқоллари М.Мирзаев, Ш.Турдиалиев, П.Саидов, Р.Исматов ва П.Азимовлар унга мададкор. Хусусан, ҳудуддаги 5 та маҳалланинг 4 тасига табиий газ етиб борган, ичимлик суви таъминотида муаммо йўқ. 2 та марказлашган сув тақсимлаш иншооти бунёд этилиб, 7 жойдаги насослар ёрдамида тоза сув чиқарилаяпти. Пожур қишлоғида 732 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шу қишлоққа ҳам табиий газ олиб бориш йўллари қидирилаяпти, лойиҳалаш ишлари бошлаб юборилган. Оҳлар маҳалласидаги Кенагас қишлоғи янгидан газлаштирилди. 2 та қишлоқ врачлик пункти қурилди. Ўзбекистон, Лўпқон маҳаллаларида болалар спорти мажмуалари бунёд этилди. Бундан ташқари, Оҳларда чойхона, маҳалла гузари, Шаҳринавда қишлоқ врачлик пункти бунёд этилаяпти. Қишлоқ йиғини ҳудудидаги 36-мактаб тубдан таъмирланди.

Албатта, бу хайрли ишларнинг ҳам ҳомийлари бор. Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги нафақат туманда, балки вилоятда ҳам машҳур. Ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Мўл ҳосил эвазига катта иқтисодий даромадга эга. Энг муҳими, соф фойданинг тенг ярми қишлоқлар ва маҳаллалар ободончилигига, мактаб, йўлларни таъмирлашга сарфланаяпти. Мавжуд 3 та чорва фирмасида ҳам гўшт, сут етиштирилиб, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Қишлоқ йиғинида мавжуд 5 та мактаб, 3 та болалар боғчаси замонавий тарзда қурилган. С.Раҳимов номли савдо ишлаб чиқариш дўконлари, 10 дан ортиқ тижорат шахобчалари, 18 та тегирмон, 2 та мойжувоз одамлар хизматида.

Ҳар бир оила ҳаракатда, томорқаларда ғалла, зиғир ва бошқа сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Кайвонилар одамларни хайрли ишларга жалб қилиб турибди. Иброҳим бобонинг ҳурмати қишлоқдан бошланади. Сахий, камтар, хушфеъл бу инсоннинг байрамларда кўнгил сўрашини кўринг. Қишлоқ йиғини раиси Тиловмурод Мирзаевни ёнига олиб навбати билан хонадонларга ташриф буюради, хасталар, қарияларнинг суҳбатини олади, мурувват кўрсатади.

Омон ШУКУРОВ,
Парда НАЗАРОВ.

АСКАР МАҲАЛЛАГА ҚАЙТГАН КУН...

Шу кундан эътиборан унинг жамиятдаги ўрни янада ошади, унга келажакнинг барча эшиклари очилади

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ҳа, бугун мустақил Ўзбекистонда муддатли ҳарбий хизмат соҳасидаги ҳукуматимизнинг, Юртбошимизнинг алоҳида эътибори оқибатида йўлга қўйилаётган ислоҳотлар аскарликни ёшларнинг қалб даъвати иши, орзу-ҳаваси даражасига кўтарди. Айни шу боисдан ҳам бугун балоғат ёшидаги ҳар бир йигит аскарликка ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан муносиб бўлиш учун ўзи интилади, куч-қудратини оширади, билимини, шуурини ўстиришга жиддий ҳаракат қилади. Ўз фарзандининг аскарликка боришига ҳар бир оила ҳам шундай қизиқиш билан қарайди. Нафақат ҳар бир оила, балки маҳалла-кўй, меҳнат жамоалари ҳам ўз ҳудудидаги, ўз жамоасидаги йигитларнинг мазкур балоғат мактабини ўташини жуда-жуда исташади. Бугун ёшлар ўртасидан муддатли ҳарбий хизматга олиш жараёни танлов даражасига етгани ҳам бежизга эмас.

Бу танловда ёшларнинг нафақат соғлиғи, балки уларнинг қобилияти, билим даражаси, ақлу шуури, дунёқарашига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шу боисдан бу танловда нафақат тиббиёт ходимлари, балки жамоатчилик вакиллари, хусусан, фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳам иштирок этади.

Юртимизда муддатли ҳарбий хизматнинг шундай даражага кўтарилишида ҳукуматимиз, айниқса, Юртбошимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракати ўрни беқиёслигини таъкидладик. Шу ўринда бундай алоҳида эътибор туфайли муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар учун яратилган имкониятлар ва имтиёзлар ҳақида ҳам тўхталиш ўринли. Ана шундай имтиёз ва имкониятларнинг давоми, айни пайтда мустақил юртимиз истиқболига бевосита дахлдор бўлган ҳужжат — Президентимизнинг яқинда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қароридир. Ушбу Қарор матни билан танишибоқ кишида бир туйғу пайдо бўлади — **Ўзбекистонда ёшларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтиши уларга келажакнинг барча эшикларини очади.**

Қарорга кўра, Қуролли кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб заҳирага бўшатилган ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлган фуқаролар учун Республикамиздаги олий ўқув даргоҳларига киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз берилади. Шунингдек, Қарорда шундай тавсияномага эга бўлган, бироқ танлов давомида (тест синовида) керакли балл тўплай олмаган абитуриентларнинг бир қатор йўналишлар бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг муддатли ҳарбий хизматни ўтаган тўлов-контракт бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларга улар ўқиш даврида "Камолот" ҳаракатининг талаба ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этган тақдирда контракт сўммасининг 35 фоизини тўлов тариқасида моддий ёрдам кўрсатилиши, тегишли вазирликлар томонидан жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юксак натижалар кўрсатган намунали ҳарбий интизомга эга муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга мамлакат олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун бериладиган тавсияномалар сонини янада кўпайтирилиши, ҳарбий хизматчиларни ўз танлаган ихтисосликлари бўйича мамлакат олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун машғулотлар жорий этилиши ҳамда бу мақсадда яна қатор имкониятлар яратилиши кўзда тутилади.

Бу имтиёз ва имкониятларнинг моҳияти нимада? Аввало, бу имтиёз ва имкониятларда ҳам мамлакатимиз, жамиятимиз келажагини яратадиганларнинг бўлажак фаолиятларини тўғри йўналтириш, яъни ҳар бир касб йўналиши бўйича олий таълим масканларида энг муносиб ёшлар ўқишига эришиш кўзда тутилади. Зотан, келажакда касб эгаси жисмонан соғлом, чиниққан, маънавиятли, билим доираси, сиёсий тушунчаси кенг бўлиши талаб этилади. Ҳарбий хизматга эса ёшларнинг ана шундай хислатлари инобатга олиниб танланади ва улардаги шу хислатлар муддатли ҳарбий хизмат давомида янада бойитиб, мустаҳкамланиб борилади.

Қарор моҳиятидан ва миллий армиямизнинг бугунги ҳолатидан келиб чиқиб шуни англаш мумкинки, бўлажак ҳақиқий касб эгалари танловида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар, хусусан, шундай тавсияномаларга эга бўлганлар энг муносиб номзодлардандир.

Маълумки, ўтган йилда бундай тавсияномаларга муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшлардан тахминан 30 фойизи муяссар бўлган бўлса, бу йил уларнинг 40 фоиздан кўпроғи ана шундай имконга эга бўлиши кўзда тутилмоқда. Бугунги кунда берилган шундай имтиёзлар асосида қабул қилинган 3749 нафар талаба мамлакат олий ўқув юртларига кириб таълим олмоқда ва улар таълим олиш жараёнида ҳам ўз намунали хулқи, билимга қизиқувчанликларини намойиш этиб, келажакда мамлакат, халқимиз истиқболи учун ўзлари танлаган соҳаларда муносиб касб эгалари бўлиб чиқишига кафолатли даражада ўз касбий билим ва савияларини ошириб боришмоқда. Яъни бу йўл ўзини оқламоқда. 2002 йилда талабалар сафига қабул қилинганларнинг 160 тасини муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 2264 тани ташкил қилди. Улардан 1384 таси грант асосида ўқишга қабул қилинган. 2006 йилдаги қабул натижаларида эса бу борадаги кўрсаткич янгидан яратилган имтиёз ва имкониятлар ҳисобига янада ошиши табиий. Бу ўз ўрнида шу борадаги Президентимиз томонидан имзоланган ҳужжатларнинг ҳаётийлигини далиллаб турибди.

Сафдошлар хайрлашув онларида.

Шунингдек, юқорида юртимизда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтиш ёшларга истиқболли ҳаётнинг барча эшикларини очишини қайд этдик. Булар яна нималарда кўринади? Шундан келиб чиқиб, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларнинг жамиятдаги ўрни, яъни уларнинг кейинги фаолияти борасида ҳам Юртбошимиз ғамхўрлик кўрсатиб, уларни иш ўринлари билан таъминлаш борасида тегишли идоралар ҳам кенг жамоатчилик олдига жиддий талаблар қўяётганлиги бежиз эмас. **Ҳар бир жамоа сафи, ҳатто у давлат тизими органлари бўладими, нодавлат ташкилот бўладими муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшлар билан тўлиб бориши лозим.** Бу, умуман, яратилаётган имтиёз ва имкониятлар фақатгина ҳарбийдан қайтганларни рағбатлантириш учунгина эмас. Бугунги муддатли ҳарбий хизматнинг юқорида таъкидлаганимиздек даражаси ниҳоятда ўсганлиги туфайли бу хизматдан қайтганларга ҳар қандай масъулиятли вазифани ишониб топшириш мумкинлигидан. Пировардида яна бу ҳолат шу жамоа, ва оқибатда эса жамиятнинг ривожи учун ўз самарасини кўрсатиши шубҳасиз. Юртбошимизнинг бундай кўрсатмалари моҳиятини англаб етиш учун муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар билан бу хизматдан четда қолган ёшларнинг лаёқатини, билимини, имкониятини, дунёвий тушунчасини, Ватан, халқ, оиласига бўлган эътиборини, масъулият ҳиссини солиштиришнинг ўзи кифоя. Зотан, бу борада улар ўртасидаги фарқ яққол кўзга ташланиб турибди. Ҳа, бу ҳақда жиддий мулоҳаза юритиш жоиз. Муддатли ҳарбий хизматдан четда қолган ёшларнинг шуғулланиб турган фаолиятига бир эътибор беринг-а. Деярли барчаси вақтинчалик маблағ топишга арзийдиган машғулотлар билан банд. Улар қалбида ўз манфаати, нари борса оиласи манфаати устунлик қилади, холос. **Шу манфаатлар ҳам Ватан тинчлиги ва ана шу тинчлик учун хизмат қилаётганлар жасорати, шу Ватан равнақи учун жонфидо бўлиб меҳнат қилаётган юртдошлари ҳисобига эканини ҳис қила олмайдилар.** Уларда олий ўқув юртида ўқиш нари турсин, балки доимий бир касб эгаллаш учун ҳам малака йўқ, малака, кўникма пайдо қилиш учун уларда ҳарбий қисмларда орттирадиган журъат, қатъият, савия каби ўнлаб ижобий хислатлар етишмайди. Ватанпарварлик, халқпарварлик, жамият, маҳалла-кўй ташвиши билан безовталик йўқ уларда. Бу кайфият, аниқроғи, ҳозир пул топиб турган "фаолият" борабора барҳам топиши биланоқ ҳаёт уларни аро йўлда қолдириб қўяди. Сўнг эса турли йўллар... Бугун турли кўнгилсиз воқеалар сабабчилари орасида ҳарбий хизмат сабоғидан бебаҳра ёшлар кўплиги ҳам шундан эмасми? Бугунги кунда, юртимизда тинчлик барқарор пайтда бизга ўқотар қуроллар билан банд бўладиган ҳарбийлар учун сафарбарлик эълон қилиш зарур эмас. Бизда, ҳарбий хизмат ёшларни Ватанга, эл-юртга муҳаббатли, садоқатли, жамиятга фойдали кишилар бўлиб етиши учун мамлакатимиздаги ҳаёт мактабининг катта бир бўлаги эканлигини Юртбошимиз ҳам алоҳида таъкидламоқда. Шу боисдан жамиятимиз ёшларни муддатли ҳарбий хизматга муносиб қилиб тайёрлар экан, ҳарбийдан эса уни катта имкониятли, иқтидорли том маънодаги инсон сифатида қабул қилиб олади.

Шундай экан, биронта ёшнинг ҳарбий сафарбарлик чақируви резерви сафидан ҳам ўрин олмаслиги бу ҳарбий хизматнинг эмас, жамиятнинг, жамоаларнинг, оиланинг ютқазишидир. Шунингдек, Ватан ҳимояси, унинг тинчлиги барқарорлиги ҳар бир фуқаро учун керак. Ҳарбийнинг бу моҳияти қалбларда устувор бўлиши лозим.

Чори ЛАТИПОВ

Олам турфа

СОВУННИНГ "ТУҒИЛИШИ"

Ўтмишда Миср подшоҳининг ошхонасида ишлайдиган хизматкори эҳтиётсизлик қилиб, янги эритилган қўй ёғини ўчоқдаги кулга тўкворади.

Подшоҳнинг жазолашидан қўрқиб, тўкилган ёғни дарҳол кулга аралаштиради-да, бир неча гувалача ясаб қўяди. Сўнг қўлини ювади. Унинг қўли шунчалар тоза бўлиб кетадики, ўзи ҳам хайрон бўлади ва бу ёғ аралашган кулнинг хусусияти бўлса керак, деб ўйлайди. Кейинчалик кир қўлини яна ўша гувалача ёрдамида ювиб кўради ва ҳақиқатан ўша аралашманинг хусусияти эканлигига амин бўлади.

Хизматкор ошпазларга, усталарга ва бошқа хизматчиларга ҳам ишлатиш учун гувалачаларни беради. Гувалача уларнинг синовидан ҳам яхши ўтади: қўллари, латтапутталари ювилгач, топтоза бўлиб қолади.

Подшоҳ ўчоқ бошида ишлайдиган хизматкорларининг қўллари ўзиникидан ҳам покизалигини кўриб ҳайрон бўлади. Суриштириб, сирни билади. Хизматкорга ўша гувалачадан ўзига ҳам ясаб беришни буюради.

Хизматкор бу гал аралашмани қунт билан тайёрлайди, яъни қўй ёғи билан кулни обдон аралаштиради, уни кичиккичик гувалачалар шаклига келтириб, шамолда қуритади.

Кейинчалик бу тасодифий янгилик Мисрдан Швейцарияга, Рум ва бошқа давлатларга тарқалади. Бироқ ўша даврда одамларнинг қўй ёғи аралашган кул туфайли қўл ва юзларнинг покланиш сирларини изоҳлашга заковати етмасди. Замонамиз олимларигина бу сирнинг тагига етдилар. Аслида кул таркибида натрий кислотаси кўп миқдорда бўлиб, у тозалаш хусусиятига эгадир. Бунинг устига қўй ёғи эритиш ва юмшатиш хоссасига эга бўлиб, яхшилаб қориштирилса бу хусусият янада ортади.

Қисқаси, Англияда биринчи бўлиб, совун ишлаб чиқарадиган завод қурилган.

Тадбиркор оқсоқоллар ҳақида ҳикоялар

Хоразм вилояти

ҚУТЛУҒ ҚАДАМЛИ ЖУМАБОЙ АКА

Жумабой Мадаминов Урганч шаҳридаги Бўстон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси. Бу маҳалла нашки Урганчда, балки вилоятда ҳам энг ибратли маҳаллалардан ҳисобланади. Маҳаллани айланар экансиз, ён-атрофни кузатиб баҳри-дилингиз очилади. Албатта, Бўстоннинг бўстонга айланишида маҳалла оқсоқоли Жумабой Мадаминовнинг ҳиссаси катта.

Бу вазифада ишлайдиган кишининг дунёқараши кенг, ташаббускор, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишга қодир ва катта иш тажрибасига эга бўлиши лозим. Бундай хислатлар Жумабой акада мавжуд. У Хоразм Давлат педагогика институти, Москва шаҳридаги юридик институтининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган, иш фаолиятини вилоят радио ва телевидениеси қўмитасида муҳаррир бўлиб ишлашдан бошлаган. Кейинчалик шу даргоҳда катта муҳаррир бўлиб ишлаб, вилоятда бўлаётган ўзгариш ва янгиликлар, одамларнинг турмуш тарзи, қувонч ва ташвишларини зангори экран, радио эфири, матбуот саҳифаларида ёритишда фидойилик билан меҳнат қилди. Кейинчалик Жумабой ака вилоятда бир қатор раҳбарлик лавозимларида ишлаган пайтларида ҳам ташкилотчилиги, ташаббускорлиги, жонкуярлиги билан эл назарига тушди, ҳурмат-эътибор қозонди. Жумабой аканинг тўплаган ҳаётий тажрибалари, қолаверса, инсонийлик фазилатлари оқсоқол этиб сайлангандан кейин ҳам анча қўл келди. Жумабой ака маҳалладошлари ишончини оқлаш учун бу вазифага сидқидилдан киришди. У киши энг аввал ишни маҳалла аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашдан бошлади. Ишсизликка барҳам бериш мақсадида, меҳнатга лаёқатли одамларни хоҳиш ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда 1995 йилда очилган "Мисс-Жамила" хусусий фирмасини янада кенгайтиришди, унга ишбилармон ва тадбиркорларни жалб қилди. Тикувчилик, қандолатчилик, пойафзал тикиш ҳамда таъмирлаш цехлари сони ва иш самарадорлиги ошди. Маҳалладаги ишсиз йигит-қизлар ана шу цехларга жалб қилиндилар.

Маҳалла дўконида

Қўшни Боғот туманидаги хусусий фирма қошида Жасурбек номли фермер хўжалиги ташкил қилинди. Хўжаликдаги 5 гектар ерга экилган буғдой яхши ҳосил берди, шартнома режаси бажарилди. Ундан ортгани маҳалла аҳлига арзон нархда етказиб берилди. Яна 3 гектар ерда, боғ ташкил қилиниб, мевали дарахт ниҳоллари ўтқазилди, узумзор барпо этилди.

Бугун маҳаллада ишсизликка барҳам беришнинг имкониятлари янада кенгайган. Оқсоқол Қозоғистон ва Россиянинг бир нечта корхоналари билан алоқаларни мустаҳкамлаб, чет эл инвестицияси жалб қилиш ҳаракатида юрибди.

Жумабой ака ўз хусусий корхонаси, фермер хўжалиги имкониятларидан келиб чиқиб ва кўпгина саховатпеша ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда хайрли ишларни амалга ошириб келяпти. Яқинда фойдаланишга топширилган гузар мажмуасида бозор, кафе, чойхона, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари мавжуд.

Маҳалла марказида эса тўйхона бунёд этилмоқда. Болалар боғчаси, мактабларни таъмирлаш ва моддий базасини мустаҳкамлашда ёрдам бериб келяпти. Маҳалла бағридаги 16-мактаб ҳам тўла таъмирланиб, қувур суви келтирилди.

Жумабой оқсоқол ўз хусусий корхонаси ва фермер хўжалигида ишлаб топилган маблағнинг бир қисмини хайру саховат ишларига сарфласа, бир қисмини туғруқхоналар, болалар шифохонаси, тез тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаларини таъмирлаш, Авесто мажмуасини ободонлаштириш, Гурлан туманидаги Дўсимбой қишлоғидаги Хотира боғини ташкил этишга сарфлади.

Жумабой Мадаминовнинг фидойи меҳнатлари муносиб тақдирланиб, медал ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. У киши Халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши депутати. Жумабой ака мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан ўтказилган "Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли" кўрик-танловида учинчи ўринни, истиқлолнинг 14 йиллиги шарафига ўтказилган кўрик-танловда эса иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

Дарвоқе, Жумабой Мадаминовнинг туғилган йили ва санаси ҳам қутлуғ кунга — 1945 йил 9 майга тўғри келган. У жорий йилда Хотира ва қадрлаш куни — Ғалабанинг 60 йиллиги байрамига қўшиб, ўзининг 60 ёшлик юбилейини ҳам нишонлади.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Ҳурматли обуначилар!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календари штампели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганлиги, пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Бугун бўлмаса ҚАЧОН?!

Азиз муштарий!

Сиз ушбу варақани қирқиб олиб, тўлдириб обуна уюштирувчи бўлимларга борсангиз, обунани ҳеч қийинчиликсиз амалга оширасиз.

Муштарий илҳоми

ҚАЙТАР ДУНЁ

Яшамоқдан муддаонг не,
эй одамзот?
Емоқ-ичмоқ билан бўлмас
тўкис ҳаёт,
Меҳр ила муҳаббатдан
бўлмагин ёт,
Энг аввало
эъзозлагин оналарни.
Тунда бедор
волидангнинг бардошини,
Кўзларидан қатра
оққан ҳар ёшини,
Ғанимат бил, сақла
омон бу бошини,
Фурсат ўтгач,
қўйгин оҳу нолаларни.
Улғайганда бўламиз-у
аҳлу дониш,
Сўна бошлар "Она"
дея куйиб-ёниш,
Бу не ҳолки, волидадан
меҳр қизғониш?
Тирикликда йўқла,
қўй баҳоналарни.
Бу оламни атайдилар
"қайтар дунё",
Яқинларин севмаски
ким — чин беҳаё,
Эрта келиб фарзандинг
ҳам боқмас қиё,
Онанг қолиб, афзал
билсанг кошоналарни.

Аброр ҚОДИРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор.

Хунармандчилик истиқлол йилларида

ДУНЁГА ТАНИЛГАН ҲУНАРМАНДЛАР

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, қадриятларимиз, отабоболаримизнинг қадимги касб-кори — ҳунармандчиликни ҳар томонлама ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилди, шаҳар ва қишлоқларимизда унутилаёзган айрим ҳунарлар қайта тиклана бошлади.

"Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президентмизнинг Фармони республикамизда халқ амалий санъатини янада ривожлантириш имкониятларини яратди.

Республикамиз ўз мустақиллигининг бир йиллигини нишонлаётган кунларда Париждаги Самарқанд музейида сақланаётган VII-XIII аср кулолчилиги намуналари ва ундаги ёзувлар намойиш этилди. Ўзбекистон-Франция дўстлик ва маданий алоқалар жамиятининг ташаббуси билан ўтказилаётган ярмаркаларда Ўзбекистон ҳам ўзининг санъат асарлари, бадиий ижрочилиги ва ранг-баранг маҳсулотлари билан қатнашиб турибди. Хитой, Япония ва Чех чинниларидан қолишмайдиган ўзбекнинг сернақш ва жарангдор чинни буюмлари Бразилия, Канада, Норвегия, Югославияда ташкил этилган Халқаро кўргазмаларда муносиб ўрин эгаллади, олтин, кумуш нишонлар билан тақдирланди.

Самарқанд чинни заводи, ҳозирда эса "Нафис" акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган нозик ва нафис чинни буюмлар мажмуалари нафақат Осиё мамлакатлари, балки Европа мамлакатларида ҳам кенг шуҳрат топган. Гўзал шарқона услубда ишланган "Узум" чинни сервиси Чехословакиянинг Брно шаҳрида европалик чиннишунослар томонидан Олтин нишон ҳамда махсус диплом билан тақдирланган.

2001 йили корхона Парижнинг халқаро саноатчилар уюшмасининг олтин нишони билан тақдирланди.

Тошкент чинни идишлари ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланган "Оқ олтин", "Кийик", "Минора", "Марварид" каби тилла суви юргизилган декоратив вазалар, коса, пиёла, чойнак ва ликопчалар халқаро кўргазмаларда олтин, кумуш ва бронза нишонлар билан тақдирланган.

Тошкентлик машҳур заргар санъатшунос Фосихитдин Дадамуҳамедовнинг зеб-зийнат ва заргарлик буюмлари намуналари Англия, Бахрайн, Туркия, Польша, Бангладеш, Покистон, Россия сингари хорижий давлатларда ўтказилган кўргазмаларда юксак баҳоланди. Айниқса, 1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги юбилейи муносабати билан Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида уюштирилган Ўзбекистон санъати кўргазмасида ушбу моҳир заргар ясаган тиллақош, зебигардон, билакузуклар юксак баҳога сазовор бўлди.

Тошкентлик машҳур кулол Чўлпон Содиқовнинг жарангдор сопол буюмлари айниқса, ўн бир буюмдан иборат "Чой" сервиси Германия, Чехия, Польша, Япония мамлакатларида бўлиб ўтган халқ амалий санъати жаҳон кўргазмаларида намойиш этилди.

Истеъдодли кулол Озод Султоновнинг сопол буюмлари эса Америка, Франция, Италия, Япония, Болгария ва Малайзияда ташкил этилган жаҳон кўргазмаларида намойиш этилиб, кўпчиликнинг назарига тушиб, уларда катта қизиқиш уйғотди. Бухоронинг қўли гул зардўзлари тайёрлаган миллий либослари — зарбоп тўнлар, камзуллар, келин-куёв либослари, "Наврўз", "Раъно", "Мажнунтол", "Гулноз" каби машҳур зар дўппилари, сернақш зар кашталари 1994-1997 йилларда Франция, Олмония, Эрон, Покистон, Туркия, Япония каби мамлакатларда ташкил этилган жаҳон кўргазмаларида барчаларда катта қизиқиш уйғотди ва олтин, кумуш, бронза нишонлари, дипломлар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Машҳур мисгар Маъсуджон Мадалиев яратган санъат асарлари офтоба, чойидиш, лаган, пиёла каби буюмлар 1997-1998 йилларда Республика ва жаҳон кўргазмаларига қўйилиб, юқори баҳолар олиб, халқимизга завқ бағишлади. Унинг яратган санъат асарларини нафақат республикамиз, балки хорижий давлатлар музейларида ҳам учратиш мумкин. Қарши шаҳридаги "Санам" ҳиссадорлик жамияти Германиядаги "Интержино—2000" кўргазмасида ўз маҳсулотлари (эркаклар кўйлаклари ва спорт либослари) билан иштирок этиб ана шу маҳсулотлар "Бизнес инвайтед директейшн" Халқаро конвенциясининг "Сифат ва устунлик учун олтин юлдуз" мукофотига лойиқ деб топилди. 2000 йилда Парижда ташкил этилган Халқаро кўргазмада Самарқандннинг 20 турдаги халқ амалий санъати намуналари намойиш этилди. Кўргазма кунлари Франциянинг яна бир шаҳри Лионда "ЕвроЭкспо" деб номланган ярмарка очилди ва унда дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатларидан, шу жумладан, самарқандлик ҳунармандлар вакиллари ҳам иштирок этдилар.

2000 йилда Германиянинг Ганновер шаҳрида "Экспо—2000" умумжаҳон кўргазмасида Ўзбекистон вакиллари ҳам фаол иштирок этиб, "Мусаввир", "Усто", "Ҳунарманд" сингари бирлашма ва марказларда тайёрланган халқ амалий санъати намуналари намойишга қўйилди. Шу билан бирга "Ҳунарманд" уюшмасининг аъзолари — матога гул босувчи читгар Абдурашид Раҳимов, Шарқ мўъжаз ранг тасвири устаси Шоилҳом Шоёқубов, нақкош-ганчкор Миродил Саидхўжаев кўргазмага ташриф буюрганлар кўз ўнгида ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Уларнинг миллий услуб билан безалган дастурхон, дўппи, нақшинкор курсию қутичалари европаликлар томонидан севиб харид қилинди. Шунингдек, уюшманинг З.Алимбаев, С.Пўлатов, Ф.Дадамуҳамедов сингари яна бир гуруҳ усталари заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, терига нақш ишлаш борасида ўз маҳоратини "Экспо—2000"да намойиш этиб, олмониялик томошабинларни лол қолдирдилар. Ушбу умумжаҳон кўргазмасида Ўзбекистон аёллари орасидаги ягона чиннисоз, академик рассом Шаҳноза Мўминова, лой ўйинчоқлар устаси Куаро Бобоева, бухоролик қўли гул зардўз Шоира Сойипова, Шарқ рангтасвир устаси Шамсиддин Рисқиев, нақкош Шуҳрат Зоировлар ўз маҳсулотларини кенг намойиш этдилар.

1995 йилнинг октябрь ойида Покистонда бўлиб ўтган Ислом мамлакатлари ҳунармандларининг I халқаро фестивалида Ўзбекистондан машҳур ёғоч ўймакор усталари Ортиқ Файзуллаев, Ориф Қодиров, нақкошлар Зокирхон Боситхонов, Мирзафар Болтабоев, кулоллар Абдулла Нарзуллаев, Шуҳрат Гиёсов, зардўз Бахшилла Жумаев, кандакор Шокир Камолов, миллий заргарлик буюмлари устаси Шарофиддин Низомов, миниатюрачи рассом Наим Неъматов, миллий мусиқа асбоблари устаси Каромат Мукимов, хаттот Гофиржон Раззоқов, каштачи Матлуба Бозорова қатнашдилар.

Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон ҳунармандларининг нафис ва гўзал ёғоч қутичалари, сопол буюмлари, зардўзлик намуналари, пичоқлар, кашта ва сўзаналари фестивал қатнашчиларида, меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Фестивалда мукофотланганлар орасида зардўз Бахшилла Жумаев, ёғоч ўймакор Ортиқ Файзуллаев, кандакор Шокиржон Камоловларнинг номлари қайта-қайта тилга олинди.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЬБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Атрофдагилар билан муомилада меъёрни сақлай билишингиз керак. Айниқса раҳбарингиз билан муносабатда эҳтиёткор бўлинг.

СИГИР(22.04-20.05)
Айни кунларда юзага келадиган муаммоларни оила аъзоларингиз билан ҳал қилганингиз маъқул.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Ҳамкасбларингизга бўлган ғайр муносабатингиз обрўингизни туширши, ножўя ҳаракатингиз кўнгилсиз воқеаларга олиб келиши мумкин.

КИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Дўстларингиз билан молиявий масалалар юзасидан ҳамкорлик қилмаганингиз маъқул. Яқин кишингиз кўнгилини кўтаринг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Оила аъзолар ва яқинларингиз билан муносабатларни яхшилашингиз керак. Унутманг, ҳаётингиз мазмунини айнан улар белгилайди.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Айни кунларда саёҳат ёки сафарга чиқманг. Шундагина ҳаётингизда содир бўлиши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олдини оласиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Шу кунларда кредит, суғурта, мерос билан боғлиқ юмушларга киришманг. Натижаси сизнинг ҳисобингизга ҳал бўлмаслиги мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Турмуш ўртоғингиз билан муносабатларда келишмовчиликлар юз бериши мумкин. Бундай ҳолларда ўзингизни бошқара олишингиз зарур.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Осон бойиб кетиш истаги келажакда салбий оқибатларга олиб келишини унутмаган ҳолда сабр-қаноатли бўлишингиз керак.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Айни кунларда шошилинч қарор қабул қилмасликка, режалар тузмасликка ҳаракат қилинг. Дам олишни ҳам унутманг.

КОВҒА (20.01-18.02)
Кўчмас мулк билан боғлиқ масалалар муҳокамасини кейинроққа қолдирганингиз маъқул. Келишувлар асосида иш юритинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Қонунга қарши иш кўришнинг салбий оқибатлари ҳақида унутманг. Дам олиш кунларини дўстлар даврасида ўтказганингиз маъқул.

Театр

Хоразм вилояти

"ДОНИШМАНД НАТАН" ХИВАДА

Атоқли немис адиби Готхольд Лессинг (1729-1781) бутун ижоди давомида динларнинг эзгуликка хизмат қилиши юксини тараннум этиб, хурофотнинг ҳар қандай кўринишларини таҳлиллар, баҳс-мунозаралар асосида қаттиқ танқид остига олган. Унинг "Донишманд Натан" фалсафий асари қаҳрамони Натан маърифатпарвар ва инсонпарвар фуқаронинг донишманд сиймоси сифатида гавдалантирилади.

Асар қаҳрамони Натан оиласи насронийлар томонидан ўлдирилади. Шунга қарамай у бир насроний қизни асраб олиб вояга етказади. Асар ғояси адолат, динлараро тинчлик, яхшилик кабилардан иборат.

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари томонидан ушбу асар Хива шаҳридаги Феруз номли маданият саройида томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Томошабин спектакл давомида режиссёр Авлиёқули Хўжақули маҳоратини юқори баҳолади. Асарда ҳозирги куннинг айни

долзарб масаласи — турли ёт оқимлар динни ниқоб қилиб, вайронагарчиликлар келтириб чиқараётганликлари, террористик ҳаракатлари билан эл-юрт нафратига учраётганлигини саҳна туридаги нола девори, қолаверса, истеъдодли актёрлар маҳорати орқали очиб беришга эришилган. Мазкур асар шоир Мирпўлат Мирзо томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Ушбу асар Германиянинг ҳамдўстлик мамлакатларидаги Фридрих Науман номли фонд ҳомийлигида бепул кўрсатилди. "Азия-Хива" меҳмонхонасида бўлиб ўтган давра суҳбатида Хива тумани ҳокими Д.Аллақулиев, шоир ва драматург Комил Аваз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими О.Зарипов, "Ичанқалъа" музейи қўриқхонаси бўлим мудири, тарихчи олим К.Худойберганов, Ўзбекистон халқ артисти Ғ.Раҳимова, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Д.Раҳимов ва бошқалар фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Спортчиларимиз довруғи

ШАЦКИХ – ОСИЁДА ИККИНЧИ! САФОНОВ ЭСА «ШИННИК»НИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎЙИНЧИСИ!

Осиё футбол конфедерацияси — /ОФК/ 2005 йилги футбол мавсуми якунларини сарҳисоб қилиб, 12 номинация бўйича қитъанинг энг яхши футболчилари, жамоалари, терма жамоалари, мураббийлари номини эълон қилди.

Мутахассислар ҳамюртимиз Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва «Динамо» /Киев, Украина/ клуби ҳужумчиси Максим Шацкихни иккинчи ўринга лойиқ кўрди. Дарҳақиқат, 2005 йилги мавсумда ҳамюртимиз Максим Шацких халқаро майдонда ўзини кўрсатишга улгурди. Айниқса, терма жамоамиз сафида жаҳон чемпионати саралаш босқичининг муҳим учрашувларида Жанубий Корея, Кувайт ва Бахрайн терма жамоалари дарвозасига гол киритди. Умуман олганда, Максим Шацких Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида 25 учрашув ўтказиб, рақиблар дарвозасини 15 маротаба аниқ нишонга олган.

* * *

Футбол бўйича Россия чемпионатининг премьер лигасида иштирок этаётган «Шинник» /Ярославль/ жамоасининг расмий интернет сайти мутахассислари томонидан 2005 йилги мавсум натижаларига кўра жамоанинг энг яхши футболчисини аниқлаш мақсадида мухлислар ўртасида сўров ўтказилди.

Мазкур сўровномада Ўзбекистон миллий терма жамоасининг асосий дарвозабони Евгений Сафонов 27 фоиз овоз тўплаб, биринчи ўринни эгаллади ва «Шинник» жамоасининг «2005 йилдаги энг яхши футболчиси», деб тан олинди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармасида "Тошқин сувлари, сел оқимларини ўтказиб юбориш ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳукумат қарорлари талабларини бажарилишини таъминлаш мақсадида кўнгина ишлар амалга оширилянпти.

ЭҲТИЁТ ШАРТ ЧОРАЛАР

Шаҳримиз ҳудудидан оқиб ўтаётган Чирчиқ дарёси, 106 та канал ва ариқларни ўз тасарруфига олган мутасадди ташкилотлар раҳбарларига канал ва ариқлар қирғоқларини мустаҳкамлаш ва ҳар хил чиқиндилардан тозалаш бўйича кўрсатмалар берилди. Шунингдек, ушбу қирғоқларга яқин жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинилари раислари ҳам ободончилик ишларига жалб этилди.

Шаҳримиз ҳудудидан оқиб ўтган канал, ариқ, сойларни Тошкент шаҳар Сув хўжалиги бошқармаси, "Бўзсув" ирригация тизими бошқармаси, Чирчиқ-Оҳангарон ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси, Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг "Кўкаламзорлаштириш ва суғориш" тресті томонидан қирғоқ бўйларини мустаҳкамлаш ишлари бўйича 916 метр куб бетон ишлари, 1775 метр куб шағал ишлари, 19245 метр куб ер ишлари ва 85 километр узунликдаги каналлар ўзани тозаланди, уларда 15700 метр куб қўлда, 17300 метр куб механизмлар жалб қилинган ҳолда ва 5180 метр куб кўприк ости ҳамда дюперлар тозаланди.

Ҳар бир туман, корхона, ташкилот, ўқув муассасалари раҳбарлари фуқаро муҳофазаси бошлиқларидир. Уларни рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш борасидаги билимларини, тажрибаларини мустаҳкамлаш ҳам шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси зиммасида. Бошқарма томонидан шу кунга қадар 118284 нафар аҳоли тайёргарликдан ўтказилди.

Толиб ОМОНОВ,
Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси аҳоли ва ҳудудни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи, майор.
Хуснияхон ТОЖИБОЕВА,
бошқарманинг матбуот гуруҳи ходими.

Диққат: обуна!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.

Ф. МТ-1

Mahalla газета/журнал 148 (нашр кўрсаткичи)
(нашр номи) Комплектлар сони
йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта индекси) (Манзилгоҳ)
Кимга
(фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ
п.в. жойи
148 (нашр кўрсаткичи)
Mahalla
(нашр номи)
Обуна баҳоси _____ сўм Комплектлар сони
_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта индекси) (Манзилгоҳ)
Кимга
(фамилияси, исми ва отасининг исми)

Бектемир тумани "AVSAT қурилиш" МЧЖ (код ОКПО 18244180) фаолияти тугатилади. Даъволар муддати бир ой, манзил Х.Бойқаро номли кўча 3-уй, тел: 56-18-35

Тошкент Кимё-Технология институти Давлат аттестация комиссиясининг 2004 йил 22 июндаги қарорига биноан 2004 йил 15 июлда Норқулов Шавкат Шакарбаевич номига берилган В № 177669 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
☑ БОҒЛАР, АТТРАКЦИОНЛАР, БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
☑ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
☑ БАССЕЙНЛАР;
☑ АКВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Каҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: 107-16-00, Тел./факс: 152-13-01.

ESENYA
Bau- und Handelsinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
DUNDAR CATALOGUE
ИГРОВЫЕ ПЛОЩАДКИ
ES-A.02
ES-A.03
ES-A.04
БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

6909 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-222 Топширилди — 21.00
1 2 3 4 5 6